

QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqa boshlagan

№127 (6.652). Sotuvda erkin narxda

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТБИЛИСИДАГИ УЧРАШУВИ

ПРЕЗИДЕНТ ГРУЗИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

9 октябр куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов давлат таширфи билан Грузияга жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари журналистлар учун интервью берди.

Грузияга мазкур таширфимиздан асосий мақсад ўзаро ҳамкорлигимизнинг бугунги аҳолига танқидий назар ташлаб, бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳамжихатликда бартараф этишдан иборат, - деди Ислам Каримов, жумладан.

Ўзбекистон билан Грузия халқлари қадимдан дўстона муносабатда бўлиб, бир-бирини доим қўллаб-қувватлаб келган. Бинобарин, ана шундай ишончли ҳамкорликни келгусида ҳам ривожлантириш икки томон учун жуда муҳим.

Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқа келсак, очигини айтиш керак, унинг ҳозирги ҳолатидан икки томон ҳам қониқмайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-айрибўшаш ҳажми олтинчи миллион АҚШ долларини ташкил этар экан, буни, шубҳасиз, мамлакатларимиз салохияти даражасида деб бўлмайди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-айрибўшаш ҳажми олтинчи миллион АҚШ долларини ташкил этар экан, буни, шубҳасиз, мамлакатларимиз салохияти даражасида деб бўлмайди.

Иқтисодий ҳамкорликнинг нисбатан суст ривожланишига коммуникация муаммолари асосий сабаб бўлмоқда. Шу боис Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаётган ТРАСЕКА йўлагини барпо этиш лойиҳаси билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳожама қилинади.

Ўзбекистон билан Грузия ўртасида шу кунгача 75 та ҳужжат имзоланган. Давлатимиз раҳбарининг Грузияга бу галги таширфида ҳам яна бир қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Саидмурод РАХИМОВ, ЎЗА мухбири.



ТБИЛИСИ. 9 октябр. (ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Тбилиси аэропортида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовни Грузия раҳбари Эдуард Шеварднадзе қутиб олди. Шу ернинг ўзиде олиий мартабали меҳмонни расмий қутиб олиш маросими бўлди. Икки давлат мадҳиялари янграб, фахрий қоровул саф тортиди.

Крцанис ҳукумат қароргоҳида Ислам Каримовнинг Эдуард Шеварднадзе билан яқма-яқма учрашуви бўлиб ўтди. Унда Президентлар икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар ҳамда хал-

қаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашди.

Учрашувда Ўзбекистон-Грузия муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб бораётган бўлса-да, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳоли имкониятлар даражасида эмаслиги таъкидланди. Бунда коммуникация билан боғлиқ муаммолар ўз таъсирини ўтказмоқда. Шу боис икки мамлакат фаол иштирок этиб келаётган ТРАСЕКА лойиҳасини тезлаштиришга эътиборни янада кучайтириш даркор.

СУРАТДА: учрашув пайти. Д. ЮСУПОВ (ЎЗА) олган сурат

САРИОСИЁ ТУМАНИ ПАХТАКОРЛАРИГА

Азиз дўстлар! Сиз, сариосиёлик миришкор деҳқонларни, бутун туман аҳлини 17 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахта хомашёси тайёрлаб, белгиланган шартнома-режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин қалбимдан табриқлайман.

Қишлоқ хўжалиги учун оғир келган бу йилги шартномада сизлар эришган бундай улкан ғалаба замирида, аввало, Сурхон воҳаси деҳқончилик мактабига хос илғор тажрибалар, лафзи ҳалол, заҳматқаш пахтакорларимизнинг мавсум давомида қилган фи-

да амалга оширилаётган ислохотлар, тобора кучайиб бораётган ерга эгаллик ва ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлик туйғуси мужассам, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Сизларнинг ўз имкониятларингизни ҳисоблаб чиқиб, ялпи хирмон салмоғини 21 минг тоннага, ҳосилдорлиқни эса 37 центнерга етказишга азму қарор қилганингиз айниқса таҳсинга сазовор.

Ишнинг негизини биладиган, ҳар қандай шартномада ҳам ўз олдида кўйган максималдан қайтмайдиغان изланувчан ва ташаббус-

кор инсонларига юксак марраларни эгаллашга қодир. Узининг ана шундай фазилатлари билан эл-юртимизда танилган Сароисий ахли қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юқори натижаларни қўлга киритади, деб қатъий ишонаман.

Сизларни бугунги катта меҳнат зафарингиз билан яна бир бор қўлайман. Барчангизга сўхат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу борака тилайман.

Доимо ишингизнинг ривожини берсин, азизларим!

Ислам КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЗАҲМАТЛИ МЕҲНАТ МЕВАСИ

Сариосиё тумани пахтакорлари пахта тайёрлаш шартномавий режасини уйдлашди.

Ғалаба осонликча келгани йўқ. Баҳорда чигит экилган далага сел келди. Икки кулқоқ гўзалар лой ичида қолди. Икки қайта чигит эккан деҳқоннинг аҳолини ҳамма ҳам тушунавермайди. Шундай ташвишни бошдан кечирган ағлайди буни. Яна 30-50 гектар эмас, юзлаб гектар-а? Лекин Сароисий деҳқони тоғлик жой азобини кўравериб, машаққатларини энгиб чиқариб, об-ҳавонинг ҳам, ёмғир-селнинг ҳам, пахта-ю ғалланнинг кўп "сир"ини билиб олган. Сел олиб кетса, анграйиб турмайди, икки ҳафтада қайта экиб, қўқариб, қуёшда яшатиб улгуради. Сароисий шунинг учун ҳам Сароисий-да!

Туман давлатга 17000 тонна пахта берди. Осонми бу? Асло! 17000 қийинчиликни энгиб ўтиш дегани бу! Ҳолбуки, пахтакорлар хирмонни 21000 тоннага етказмоқчи. "Деҳқон пахтагани бундай қилиб етиштирди, ундай қилиб етиштирди", дейиш ноўрин. Пахта-нинг оғир меҳнати ҳамма билади. Зеро, ана шундай заҳмат туфайли зафарга эришилмоқда. Аммо битта ҳолни айтмасак бўлмас: деҳқоннинг жони билан пахта-нинг жони бун-

да, пахта сентябрда тўла очилиб бўлди. 10-15 кун ичида туман катта туман-а, йиллик пахта тайёрлаш шартномасини бажарди. Пленкадан фойдаланишни билганнинг қўли шундай баланд келади.

Туманнинг Бобур номли, "Сариосиё", "Сўфийён" ва бошқа қатор хўжаликлари 8-10 кунда режани уйдлашди. Пахта-нинг тошаётганини, деҳқон кўнглининг жўшаётганини кўриб, баракалла, деб юборасиз. Ҳосилдорликнинг баландлигини айтмайсизми? Бу хўжаликлар ҳозирнинг ўзидаёқ 35 центнер-

МАВСУМ

дан ҳосил олишди. Улар 50 центнерни қўлаб турибдилар. Ҳосилнинг "чўчи"га қараб, ҳалол-лингиз бўлсин, деҳқонлар, дейсиз.

Яна бир янгилик. Бу йил сариосиёликларга Музаброт туманидан 2000 гектар ер ажратилди. Музаброт – жанубий туман. Анча иссиқ. Икки туман ораси 250 километр. Кинояли қулганлар ҳам бўлди: "Музабротнинг чўлида Сароисийдегадидай ҳосилни "боғлаб" қўйиб-димми?", дея. Зўрнинг зўрлигига тан бермай илжо йўқ. Сароисийликлар мўл ҳосил етиштиришдики, кўрганлар лол қолди. Октябр ойининг бошида бу ернинг ҳар гектаридан 24-28 центнердан пахта олишди. Зеро, илгари шу жойнинг ҳар гектаридан йил даво-

ЭРКИНЛАШУВ ВА ДЕМОКРАТИЯ ТАҚОЗОСИ

Кунни кеча оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз сиёсат майдонига янги бир куч, яъни бир сиёсий партия туғилаётгани ҳақида хабар тарқатди. Республикаимиз Президентини либерал-демократик партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашиб, улар ҳузурида катта нутқ сўзлади ва ўзининг фикр-мулоҳазаларини, тавсияларини билдирди.

Шунини қувончлики, ушбу янги партия ташаббускор гуруҳи аъзоларининг аксарияти нафақат ўз тумани ёки вилоятида, балки бутун мамлакат миқёсида меҳнати, тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги билан танилган одамлар, бир сўз билан айтганда янги замон кишилари. Ана шу ҳолнинг ўзи иккита муҳим ҳулосани чиқариш имконини беради.

Биринчиси, мамлакатимизда сиёсий ислохотлар, хусусан, демократияни кенгайтириш жараёни давом этмоқда. Иккинчиси, шунинг ҳосиласи сифатида аҳоли турли қатламлари ўртасидаги сиёсий фаоллик кучаймоқда ва энг муҳими, бу фаоллик конструктив, яъни бунёдкорлик ва амалий ишчанлик характерида эга.

Фикримизнинг далили сифатида ана шу эзгу ҳаракат иштирокчиларидан бири – Пайариқ туманида яшовчи фермер Бердиали Худайназаров билан қилган эксклюзив сўхбатимиздан бир парча келтириш мумкин.

НИГОҲ

Ростини айтсам, мени янги партия тузиш ташаббускорлари сафига қўшилгин, деб биров мажбур қилгани йўқ. Ушбу ҳаракат бошланаётганини эшитиб, ўз қалбим даъвати, виждоним амри билан бош қўшдим.

– Нима учун? – Шунинг учунки, бу партия сафига асосан ўзимга ўхшаган тадбиркорлар ва фермерлар, иқтисодиёт билан шуғулланувчи ташкилотчи кишилар қираётган экан. Қолаверса, либерал-демократик партия ўз мазмун-моҳиятига қўра иқтисодиётни, қўйинчи, бутун ҳаётимизни янада либераллаштириш, яъни эркинлаштириш учун қурашадим...

Пайариқлик фермер янги сиёсий ҳаракат ҳақида ўзининг бирмунча содда тасаввурини ана шундай ифодалади. Бу – унинг ҳуқуқи. Шу топда биз янгидан туғилаётган партия низоми, дастурлари, мақсадлари ҳақида фикр юритмоқчи эмасмиз. Келгусида бу борада батафсил муҳодалар қилиш фурсати бўлар.

Ҳозир эса жамиятимиздаги сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг бақамти, мутаносиб равишда узлуксиз, мунтазам давом этиб, ривожланиб, сон ва сифат ўзгаришларига эришаётганлигини эътироф этишдан мамнунмиз.

(Давоми 2-бетда)

СУСТКАШЛИККА АСОС ЙЎҚ

Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги фармойиши билан қишлоқ хўжалиги ташкилий тузилмасини тақомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ташкил этилган Комиссия ва Вазирлар Маҳкамаси Агросоноат комплексининг 9 ойлик якун-ларига бағишланган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

ЙИГИЛИШ

Уни Бош вазир ўринбосари Рустам Азимов бошқарди. Қўшма йиғилишда мазкур комиссия аъзолари, Агросоноат комплексидаги вазирлик ва идоралар, Молия, Иқтисодиёт, Меҳнат ва аҳоли иқтисодий муҳофаза қилиш вазирликлари, Давлат қўмитаси, Марказий банклари, "Узнефтмаҳсулот", "Ўзқишлоқхўжаликшарҳолдин", "Ўзқишлоқхўжаликшарҳолдин" компаниялари, "Еғмойтмаксаноат" уюшмаси раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамаси Агросоноат комплекси қотибяти ва Ахборот таҳлил бошқармасининг масъул ходимлари иштирок этди.

Қўшма йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 24 мартдаги Фармонида қўра қабул қилинган ҳуқуқнинг тегишли қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг шу йилдаги 1 ва 3-баёнлари ижроси, жорий йилнинг 9 ойида Агросоноат комплексиде иқтисодий ислохотларнинг бориши ва иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши кўриб чиқилди.

Маълумки, Президентимизнинг жорий йил 24 мартдаги Фармонида қўра ҳуқуқнинг тегишли қарорлари қабул қилиниб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг таркибий бўлинмаларининг фаолияти тубдан тақомиллаштирилди.

(Давоми 2-бетда)

ДАРОМАДНИ ЯШИРМАНГ

Бугунги кунда мамлакатимизда мулкчилик шаклининг ўзгариб бораётгани туфайли яқна тартибдаги тадбиркорлар, хусусий фирмалар сони ҳам ортиб бормоқда. Аммо ана шу тадбиркор-у ишбилармонларнинг ҳаммасини ҳам мавжуд қонун-қондаларга тўлиқ амал қилган ҳолда фаолият қўриятти, деб бўлмайди.

Тадбиркор мулкчиликнинг қайси кўринишида фаолият олиб бораётганидан хатти назар, белгиланган солиқларни вақтида тўлаб, ҳисоб-китобларни кечиктирмасдан, қонуний амалга оширсалар, унинг ўзига фойдаси бўлса бўладики, зиёни йўқ. Шунда иш ҳам бир маромда кетаверади. Фойда ҳам келаверади. Энг муҳими, ор-тиқча галвалардан холи бўлади. Лекин Ғиждувон туманида ўзини солиқ тўлашдан олиб қочаётган бир неча жисмоний ва ҳуқуқий шахслар қилмишлари фош бўлиб қолди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ўтказган текшириш ва рейдларимиз натижасида бир қанча қондабузарлик ҳолатларини аниқладик, - дейди Ғиждувон туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи М.Файзиев. – Маълумки, 1994 йилда Вазирлар Маҳкамасининг "Назорат касса аппаратларини мажбурий қўллаш ва савдо пулларини банк муассаларига топшириш ҳақида"ги қарори амалиётга жорий этилган эди. Қарор савдо дўконларида ва шохбчаларда касса аппаратларини ўрнатилиш, бюджетга пул тушумини яхшилаш масалаларига қаратилган бўлиб, айна пайтда бу борада бир қанча ишлар амалга ошириб келинаётганини ҳаммамиз биламиз. Лекин тумандаги баъзи савдо масканларида бу қондаларга риоя қилинмаётган экан.

(Давоми 2-бетда)

БОБОЛАР РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

Бугун қадим Бухоро ўзгача бир хайрли ташвишлар билан яшамоқда. Бир томонда пахта терими, далаларда юз минглаб ҳашарчилару теримчи қизлар. Техникалар пахтазорда. Келгуси йил ҳосили учун дон

ғишт терувчиларнинг қўли-қўлига тегибди. Техникалар ёрдамида йўлакчалар кенгайтирилиб, тош, асфальт ётқизилмоқда. Турфа хил ниҳоллар ўтказиш ҳам расамади билан бош лойиҳага қўра амалга оширилмоқда. Президентимизнинг ташаббуслари, тақлифлари бу, - дейди вилоят ҳокими Самойилдин Хусенов. – Илгари Баҳовуддин Нақшбандий бобомизни зиёрат қилувчилар

ИСЛОҲОТ - ЎЗНИ АНГЛАШ ДЕМАК

экиш ишлари ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Тупроғини кўзга тўтиб айлагулик етти пир – улуг авлиёлар зиёратгоҳларида ободончилик ишлари бошлаб юборилган. Айниқса, Баҳовуддин Нақшбанд ва Абдуқолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг хоки пойларини – мақбаралари, чор-атроф янгича қиёфа кашф этаётди. Санитарошлару муҳандислар, бўёқчию сувоқчи,

таомилга қўра ҳазратнинг оналари қабрига қишлоқчи айланадиган чанг қўчадан борар эди. Энди бу икки зиёратгоҳ орасида боғ яратди. 26 хонадонни рози-ризолигини олиб, уларга бошқа жойлардан уй-жой қилиб қўқирдик. Хайрли ишни уйдлашда ҳеч қим четда тургани йўқ. Баҳоли кудрат каттаю кичик меҳнат қилишяпти.

(Давоми 3-бетда)

ПОЛИЗ ОҚШОМИ

Сумбула тушиб, ҳавога куз нуқси уриб қолган кунларнинг бирида қишлоқ оралаб юрган мухбир йигит кустомини елқасига ташлаб, қовун полизга кириб келди.

Бу пайт полизда ҳамма иш билан банд: кеч кириб қолгани учун одамлар пушталарга уйиб қўйилган қовунларни четга, тарозибон олдида ташиб чиқариб, полиз ўртасида саралаб қовун узиб юрган чол қичқириб, йигитларга нималарнидир буюрар эди. Ҳожи бува деганлари шу киши бўлсалар керак, деб ўйлади мухбир йигит. Сўнг бирпас полиз четига эътиборини бурсиб қараб турди-да, кустомини четроқдаги чайла ёнидан чиқиб турган шохга илиб, ўртага юрди. Қовунларни қолларга солиб, бир-бирларига орқалаётган йигитлар ҳазиллашар эди:

- Ҳа, бўриқалла, думалаб жўна!
- Тагин кўтараман, деб ичинг тушмасин, босволди!
- Хали хомаксан-да, оғайни, хомаксан.
- Амирига ўхшаб белингни ушлаб туришингни қара, кўтарсанг-чи.
- Ҳожи бувам келпаятлар... Ҳоп! Қочдик!..
- Ҳожи бува булар томонга кела бошлаганда халиги йигитлар қолларга ярим-ярим қилиб солган қовунларини орқалаб, палаклар орасидаги илон изи сўқмоқдан жадал кетишарди. Ҳожи бува уларнинг кетидан қичқириб қолди:
- Ҳой, секинроқ, заха ейд!
- Сўнг у қўлини пешонасига соябон қилиб, мухбир йигитга қаради.
- Қай боласан, ҳой!

(Давоми 4-бетда)

ҚОРАҚАЛПОҚ ОЛИ - ЎТМИШИ ОҚСОЧ ТАРИХНИНГ ХАЛИ БИЗ БИЛИБ-БИЛМАГАН УЗОҚ МАНЗИЛЛАРИГА ТУТАШИК. БУ ЗАМИНДА АЖИНИЁЗ ВА БЕРДАКЛАРИНИНГ ШЎҲ САТРАЛARI, ҒОҲО ИНСОННИ БЕҲУД ҚИЛИБ ҚЎЯДИГАН МИСРАЛАРИ СЕЛДАЙ ОҚАДИ.

Бу заминнинг одамлари ҳалол меҳнатдан, заҳматқашлиғу фидойилиқдан ўзига хай-

ДЎМБИРАНИНГ СИРЛИ ОҲАНГИ

қал қўйган кишилар. Нукус тумани "Шўртанбой" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Уроқбой ака Қоратоев қорақалпоқ халқининг бағри кенг, меҳмондўст, танти кишиларидан бири. Уроқбой ака билан суҳбат қўрган киши қорақалпоқ халқининг нечоғлиқ улуг қадриятларга, расм-русумларга, урф-одатларга, миллий маданиятга эга эканлигини билиб олади. Беноён

нимдан сўнг Нукус шаҳридаги Маданият техникумига ўқишга кирдим, - дейди у биз билан суҳбатда.

-Демак, санъатга қизиқиб ёшлиқдан шаклланган экан-да сизда.

-Ҳа, - деб жавоб беради у, - шу боис ҳам 1983 йили Тошкент Маданият институтига сиртдан ўқишга кирдим. "Халқ соҳибдори" факультетида ўқидим.

(Давоми 4-бетда)



(Боши 1-бетда)

Мухими улар бу ишни топширик ё буйруқни бажариш тарзида эмас, балки қалб амрига кўра уддалашаяпти. Ахир шу тупроқ, шу зибратгоҳ ўзимизники-да.

Мажмуада қилинаётган ишлар билан танишдик. Шарқона меъморий ечим, тошлару дов-дарактлар уйғунлиги ҳар қадамда акс этмоқда. Йўлақлар четига гуллар экиладётганини айтмайсан. Замонавий суғорич тармоқлари шундай ўрнатилган, на бир гиёҳ, на бир ниҳол эртага сувсиз қолмайди. Пирю комил Баҳовуддин Нақшбанд бобомизнинг хоки пойлари ўзига хос — олис ўтмишдаёқ санъат даражасига қаўтарилган нақшлар билан безатишмоқда. Усталар, сангтарошлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг айтишича, бунёдкорлик ишлари тез орада ниҳонасига етказилади. Чунки қурилиш ашёлари етарли. Ҳам савоб, ҳам кўнгил шунини истаяпти, астойдил меҳнат қилаётиш, дейишди улар. Бундан ташқари маб-лағат масаласида ҳам кийинчилик йўқ. Вилоятда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиб бораётгани бой-бадавлат кишиларнинг кўпайишига имкон бераёпти. Сармоси бор киши эса албатта хайрли ишларга кўл уради. Айтилик, романтик тадбиркорлар зибратгоҳлари қурилишига неча ўн минг дона пишк гишт ҳаётиятда, ғиждувонлик саҳоватпешалар маблагдан кўмаклашди. Ҳар қайси туман ишбилармонлари у ёки бу даражада ҳомилик кўрсатапти. Фермерларнинг ҳиммати айтмайсан?

— Бу бизга гурур бағишлайди, дейди "Пахта Банк"нинг вилоят бошқармаси бошқарувчиси Райим Фахруров. — Чунки бу тадбиркор фермерларнинг асосий қисми бизнинг мижозлар. Уларнинг иқтисодий жиҳатдан қаддини ортқилиши, бой бўлиши банкимиз бераётган кредитлар туфайли-да. Бунинг биз ақил ҳамкорликда ишлаётган тадбиркорларнинг ишончасига, фермерларнинг даласига бориб бир пилла чой

устида гурунглашгангиз ўзингиз ҳам сезасиз.

МИЖОЗ ЭЪТИРОФИ — ҲАҚИҚИЙ БАҲО

— Техникани бўлмаган фермер фермерми? Албатта йўқ, — дейди Олот туманидаги "Улугбек" фермер хўжалигининг соҳибии Зуфар Рузиёев. — Шу боис банкнинг кўмаги билан ТТЗ-80 русумли трактор сотиб олдим. Техниканинг шарофати билан галлам зўр бўлди, пахтанинг шартномасини уддаласам бас, банк-

га мос равишда хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда. Шу ўринда мана бу рақамларга эътибор беринг. Бугун акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"нинг Бухоро вилоят бўлимида 7111 тадан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатилмоқда, шулардан 2348 тасини кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва 2922 тага яқинини фермер ва деҳқон хўжалиқлари ташкил қилади. Йил бошига нисбатан мижозлар сони 676 нафарга ошди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 де-

лион сўм, таъминот корхоналари 967,9 миллион сўм кредитлар ахратди ҳамда 707,2 миллион сўмлик факторинг хизматлари кўрсатилди. Шунингдек, банк маб-



олиш бўйича лойиҳалари кўриб чиқилмоқда. Бу лойиҳалар хорижий банклар кредит ҳисобидан таъминланади.

— "Пахта Банк"нинг вилоят бошқармасида "Нақшбандий" ҳиссадорлик жамиятининг Ғиждувон туманидаги 3-сонли ишлаб чиқариш корхонаси билан бирлигида Хитой технологияси асосида Осиё Ривожланиш банки кредит линияси орқали 475 минг АҚШ доллар миқдорда пойфазал ва қорсовалар ишлаб чиқариш лойиҳаси расмийлаштирилмоқда.

Ҳадемай "Ромитан Ипаги" корхонаси Хитойдан ипақни қайта ишлаш ва ипақ қалава ишлаб чиқариш ускунасини келтириб ўрнатади. Бу ишни амалга оширишга ҳам банк бошқармаси бош-қош бўлаётган. Жондор туманидаги "Жўра Барно" хусусий фирмасининг бизнес режаси ҳам банк томонидан маъқулланди. Бу тадбиркор Туркиянинг "Дегирменжи Кардашлар" компаниясидан соатига 1 тонна донад си-фатли ун чиқарадиган 100 минг АҚШ доллар қийматдаги кичик тегиримонни сотиб олмоқчи. Агар бу лойиҳа тезроқ амалга оша жондорлик ундан ортиқ ёшлар иш билан таъминланади.

— Биз ҳар бир мурожаат ва бизнес-режани пухта ўрганиб чиқаями, — дейди Райим Фахруров. — Энг мақбул лойиҳага биринчи бўлиб сармоа ажратилади. Айниқса, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш, уни экспорт қилиш билан боғлиқ лойиҳалар бўлса. Чунки сарфланган ҳар бир сўм бизга ҳам, ундан фойдаланувчиларга ҳам наф келтириши керак-да. Очиғини айтишимиз керак, қайта ишлаш ускунаси келтириб иш бошлаётган ишбилармонларимиздан умидим катта. Улар на-сиб этса, тез орада ўз махсуслаш-рини "Ўзбекистонда ишлаб чиқариш" ва тамага босиб чет элга жўнатилади. Ана шунда қадим Бухороимиз, янгича қиёфага кирайтган зибратгоҳларимизни кўришга орзумд кишилар янада ортади.

Абдунаби АЛИКУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

ИСЛОҲОТ - ЎЗНИ АНГЛАШ ДЕМАК

нинг кредитини мuddатидан олдин тўлаб юбораман.

Коракўлик фермер Охун Қодиров аса шундай деди: — 10 гектар ерим бор, "Пахта Банк"нинг кредитига олган тракторим жуда асқотаяпти. 9 миллион 400 минг сўм пул сўраганимда айрим ўртоқларим эсингни ебсан, олишга олиб тўлолмасанг нима бўлади, дейишди. Бу гапларга парво қилмадим. Банкнинг Коракўлик бўлимига учраб, керакли ҳужжатларни топширдим. Тез орада пулни олиб трактор харид қилдим. Ҳатто банк ходимлари техника танлашга ҳам кўмаклашди. Мана, миниб юрибман улловни ҳозир, отасига раҳмат бакирларини.

Коракўлик тадбиркор Маҳмуд Ражабов ҳам "Пахта Банк" мижози. У тўқимачилик дастгоҳи ўрнатиб, ҳар ойда 10 тонна ип йигиришни эплайпти, 12 та янги иш ўринлари ташкил этган. — Банкдан 8 миллион сўм қарз кўтариб дастгоҳ келтирдим, — дейди "Севинч" хусусий фирмасининг соҳибии Маҳмуд Ражабов. — Ҳозир бир маромада ишляпмиз. Насиб этса кредитни ўч йилда эмас, келгуси йилдаёқ қайтармоқчиман. Мўлжал шу. Агар шу ниятга етсам тез орада мендан бий одам бўлмайди Коракўлик.

Шунга ўхшаш илиқ сўзларни бизнинг кўплай мижозларидан эшитиш мумкин. Чунки банк ходимлари мижозларга замон талаблари-

кабрдаги 516-сонли ва 2002 йил 5 январдаги 8-қарори талабларини бажариш, аҳоли омонатларини жалб қилиши янада тақомиллаштириш, кичик ва ўрта бизнес субъектларига яқиндан туриб хизмат кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида марказдан олиш, аҳоли тигиз яшайдиган қишлоқ ва маҳаллаларда минибанклар ташкил этиш йўлга қўйилди. Бугунги кун-



да Ромитан, Коракўлик ва Қоровулбозор туманларида 12 та минибанк шохобчалари, шунингдек, банк ташаббуси билан очилган 7 та кичик банк шохобчалари тўлиқ фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари ҳукуматимизнинг қарорига кўра фермер хўжалиқларига айлантирилган Коракўлик туманининг "Пайкент" ва Жондор туманининг "Андижон" ширкат хўжалиқлари ҳудудига минибанк шохобчалари ўз фаолиятини бошладди.

Бошқарма бошлиғи Райим Фахруровнинг айтишича, шу йилнинг 9 ойи давомида банк бўлимлари ширкат хўжалиқларига 994,4 мил-

лаги авазига 59 та Т-4 "Алтай" русумли ҳайдов тракторлари олиб келинди.

— Мижозларни лизинг асосида техника билан таъминлашга ҳам астойдил ҳаракат қилаётиш, — дейди бошқарма бошлиғининг муовини Қажрамон Хасанов. — Шу йилнинг ўзида лизинг хизматлари 151,6 миллион сўмни ташкил қилди. Мижозларга 2 та МХ-135 трактори, 8 та ТТЗ тракторлари, 1 та Т-4 "Алтай" трактори, 6 та Т-28 трактори ва 1 та Сономед-315 медицина ускуналарини олиб берди. Шунингдек, жомо ва ширкат хўжалиқларининг 80 тадан ортиғида "Банк-мижоз" компьютер дастурлари ва модем алоқаси ўрнатилди. Ғиждувон туманидаги "Гулстон" ширкат хўжалиғи, "ДЭУ Юнител" уяли алоқа компанияси мазкур қулайликдан самарали фойдаланишмоқда.

КРЕДИТЛАР ЭКСПОРТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ҳозирги кунда АТ "Пахта Банк"да "Сохибкор" жамоа хўжалиғининг "Фенко" италян компаниясидан (қиймати 285 минг АҚШ долларини) соатига 1000 ишча мева шарбати, томат соус-кетчуп ишлаб чиқарувчи ускунасини олиш ҳақидаги, Пешку туманидаги "Гулноз" фирмасининг "Саверс Импекс" хинд компаниясидан қиймати 360 минг АҚШ долларлик 600 тонна тиббий пахта ишлаб чиқарувчи ускунани

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқаришнинг тўғри ташкил этилиши биринчи ўринда уни бошқариш билан боғлиқ бўлади. Яъни бунда раҳбарнинг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги муҳим аҳамиятга эга. Корхонани бошқаришда раҳбарнинг энг биринчи масъулияти ишнинг тўғри ташкил этиш бўлса, сўнгга уни молиявий томондан таъминлашни режалар олиб боришидир.

ТАВАККАЛЧИЛИК БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Корхонада махсуслот етиштириш, унинг сифатини белгилаш, таннархнинг ҳаражатларини қоллашга тенг келиши ва бошқа-бошқа ишлар раҳбар учун энг долзарб муаммодир. Махсуслотлар таннархини бошқаришда бугунги кунда бир қанча йўналишлар мавжуд бўлиб, шулардан бири — маълум бир омиларнинг таннарҳга таъсири бўйича алоҳида қарорлар ишлаб чиқиш ва бунинг асосида махсуслот таннархини олдиндан режалаштиришдир.

Маълумки, махсуслот таннарҳига активлар ҳолати кучли таъсир этади. Корхонада қиймати баҳо-ИҚТИСОД лан активлари йиғма қиймати баҳолаш-тиришнинг асосий омилидир. Активларнинг баланс орқали баҳолаш усулида унинг охири давр баланс ҳисоботидан фойдаланилади. Бунда асосан, соф активларни баланс қиймати, моддий активларнинг қолдиқ қиймати, тугалланмаган капитал қийматлари қиймати, монтаж қилинмаган ускуналар, лавтор моддий қийматлар, молиявий активлар ҳамда молиявий мажбуриятлар ҳисобланади.

Ўзбек-Британия "Кумуш" қўшма корхонасининг активлари таҳлил этилганда қуйидаги хулоса юзага келди. Корхона соф активларнинг баланс қиймати, моддий активларнинг қолдиқ қиймати 241 минг сўм бўлганда; тугалланмаган капитал қийматлари қиймати 56 минг сўм бўлганда; монтаж қилинмаган ускуналар 310 минг сўм бўлганда; товар моддий қийматлар 148 минг сўм; молиявий активлар (пул, валюта, қўйилмалар, дебитор қарзлар) 125 минг сўм; ММ — молиявий мажбуриятлар (олинган кредитлар, ички кредитор қарздорлик) 1227 минг сўм бўлганда 1867 минг сўмга тенг бўлади.

Демак, "Кумуш" қўшма корхонаси активларининг баланс қиймати 1867 минг сўмни ташкил этмоқда.

Ўзбек-Британия "Кумуш" қўшма корхонасининг жами ўзлик маблағлари ҳисобот йили бошида 333 минг сўм бўлган бўлса, ҳисобот йили охирига келиб 324 минг сўмни ёки ҳисобот йили бошига нисбатан 97 фоизни ташкил этган.

Шу каби унинг жалб этилган маблағлари ҳам 123 минг сўмдан 122 минг сўмга камайган. Лекин корхонанинг банклардан олган узоқ ва қисқа мuddатли қарзлари мос равишда 164 минг сўмдан 25 минг сўмга камайган, қисқа мuddатли қарзлари эса 168 минг сўмдан 375 минг сўмга ёки 223 фоизга ортган.

Бу ҳолат корхонада узоқ мuddатлига нисбатан қисқа мuddатли банк кредитларини вази ниҳоятда ошиб кетганлигини кўрсатади ва корхона агар шу кетишда борса асосий даромадларини қисқа мuddатли банк кредитлари бўйича тўловларга ишлатишга мажбур бўлади.

Агар корхона пасивларини инвестициялаш туурлари бўйича таҳлил этсак шундай манзаранинг гувоҳи бўламиз, бунда корхона пасивларини ҳисобот йили бошида 653 минг сўм моддий, яъни кредитор қарзлар кўринишида қўйилганини, ҳисобот йили охирида эса 593 минг сўм кредитор қарзлар бўлганлигини кўраемиз.

Лекин бу кредитор қарзлар 2002 йилнинг охирида 91 фоизга пасайиб, уларнинг умумий жалб этилган пасивлардаги ҳажми ҳам мос равишда 53 фоизни ва 48 фоизни ташкил этди.

Бу ҳолат "Кумуш" ОАЖнинг нуктаи назаридан қараганда, унда 2947 минг сўм миқдорда инвестиция қўйилмалари ва 230532 минг сўм миқдорда жалб этилган узоқ мuddатли инвестициялар мавжуд эканлиги маълум бўлади. Кўриниб турибдики, корхонада инвестициялар таваккаллиги жуда юқори, яъни, жалб этилган узоқ мuddатли инвестициялар қўйилган инвестицияларга нисбатан жуда юқори миқдорни ташкил этади.

"Кумуш" ОАЖнинг таркибий таваккалчилиги (молиявий леверижини ҳолатига нисбатан) ҳам анча ёмон ҳолатда, яъни ўзлик маблағлари бор-йўғи 324 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, жалб этилган маблағлари 1227 минг сўмни ташкил этади. Бошқача айтганда, жалб этилган маблағлар ўзлик маблағларини 3,8 баробарга қоплайди, бу иқтисодиётда молиявий левериж кўрсаткичлари деб юритилади.

Хикматилла ҚОДИРОВ,
Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби тингловчиси.

МЕНЕЖМЕНТНИНГ ЎРНИ НИМАДА?

Менежмент — бозор шароитида корхонанинг замонавий бошқарув тизими асосида самарали фаолият юритиши ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган зарур шарт-шароитлар мажмуасидан иборат. Замонавий менежментнинг ўзига хос хусусияти эса корхонанинг бозор шароитларига тўла мослашуви, кам харажат сарфланган ҳолда юқори натижаларга эришувини таъминлаши, ресурслар тақчил бўлган шароитларда рационал хўжалик юритишга йўналтирилганлигига намойиш бўлади.

Ҳозирги шароитда иқтисодиётни бошқаришни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири корхоналар, бирлашмалар ва хўжалик субъектлари амалиётда менежментни кўллаш бўйича услубий асосларнинг ишлаб чиқилиши-

дир. Хусусан, корхоналарни ислоҳ қилишда амалга ошириладиган асосий йўналишларга қуйидагиларни кириштириш мумкин:

- корхона мулкдорлари ва бошқарувчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бозор талаблари асосида олиб бориш;
- бюджетга жорий тўловларни ўз вақтида ўтказиладиган, мулоҳаза қилишнинг талабларига жавоб берадиган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- бухгалтерия ҳисобининг халқаро меъёрларига ўтиш. Бу корхона мулкдорлари ва хорижий инвесторларга бериладиган ҳисоботларга ўтиш имкониятини беради;
- фойда (даромад) солигини пасайтириш йўли билан ўз фаолиятини фаол ислоҳ қилаётган корхоналарни рағбатлантириш;
- корхона активларини бозор қиймати асосида қайта баҳолаш;

бошқарувда маъсулиятни ошириш учун корхона ва унинг раҳбари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш.

Корхоналарни ислоҳ қилишнинг ушбу мўлжалланган йўналишларини амалга ошириш ва корхонада менежмент тамойилларини кўллаш учун ҳеч иккиланмасдан зарур чоралар кўриш талаб этилади. Бунда корхона ишлаб чиқаришнинг моддий-техник ресурслар ва малакали кадрлар билан таъминлаш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни режалаштириш муҳим ўрин тутади.

Корхонада захираларни бошқариш мавжуд қувватларни ва конвейерлар тўхтовсиз ишлашини таъминлашни кўзда тутати. Омбордаги захиралар — бу конвейернинг ҳар бир қисми орқали оқимлар узлуксизлигини таъминлайдиган резервуарлардир.

Замонавий менежмент корхона фаолиятини самарали амалга оширилишини таъ-

"ЎЗДОНМАХСУЛОТ" ДАК
КОРХОНАЛАРИ, ЖАМОА, ШИРКАТ,
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
"БАРАКА"
ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси уруғлик бугдойни қаттиқ ва чангли қорақуя касалликларига қарши дорилашда юқори самара берувчи "Барака" номли препаратни харид қилишни таклиф этади.
Препарат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Давлат қимё комиссияси"си томонидан 2000 йил 25 августда № 50379 сон остида рўйхатга олиниб, қўзланган мақсадларда ишлатишга рухсат этилган.
Препарат токсикологик гигиена хулосасига кўра IV синфга мансуб.
Ўзбекистон Республикаси "Давлат қимё комиссияси"сининг 2002 йил 25 августдаги № 01-15-28-35-сонли "Баённома"сига асосан хўжалиқларда, фуқароларга ажратилган ерларга экиладиган уруғлик бугдойни қаттиқ ва чангли қорақуя касалликларига қарши жойларда "Барака" препаратини қўллаб дорилашга рухсат берилган.
Препаратнинг 1 тонна уруғлик бугдойга сарф меъёри 0,4 килограмм.
1 килограмм препаратнинг нархи 10 минг сўм.
Харид қилинган препаратга сифат "Сертификати" берилади.
ФИРМА МАНЗИЛҲОҶИ: ТОШКЕНТ Ш., МУХТОР АШРАФИЙ КЎЧАСИ, 108А-ҲИ. ГУРУЧ ЗАВОДИ
БЕКАТИ. ТЕЛ.: 93-00-10, 182-76-19.

ЕТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

ТАРАДДУД

Чоршанба кун Ироқ пойтахти Бағдодда АҚШ ҳарбийларининг олиб бораётган сиёсатларига қарши икки минг кишилик намойиш бўлиб ўтди.

Намойишчилар шиа мазабига мансуб кишилар бўлиб, улар ноқонуний фаолиятда айбонлиқ, қамоққа олинган имомларнинг озод қилинишини талаб этишмоқда. Шу мақсадда намойиш иштирокчилари Американинг Бағдоддаги маъмурият штаб-квартираси жойлашган президент қасрини ўраб олдилар. Намойиш гарчи, тинчлик билан яқун топган бўлса-да, маъмурият вакиллари бундан кейин хавфсизлик чораларини янада кучайтириш тараддуди-га тушиб қолдилар.


GERMANYDA QOR EFDI

Германиянинг жанубий провинциялари тўсатдан ёққан биринчи қорнинг "эркалик"ларидан анча жиддий зарар кўрди. Гарчи ҳали куз фаслининг биринчи ярми ҳам тугамаган бўлса-да, кескин ўзгариб кетган иклим "нижонликлар" пунктвал немисларга қимматга тушди.

Айниқса, Бавария шаҳри кўчаларида яхмалак ва қорли тўсиқларнинг юзага келиши туфайли кичик тўқнашувларнинг содир бўлганини алоҳида айтиб ўтиш зарур. Табиатнинг мазкур "уйини" Германия ҳали қишга тайёрланиб улгурмаганлигини кўрсатади. Синоптикларнинг маълум қилишича, қиш қандай тўсатдан қиличини қайраб келган бўлса, худди шундай ўз ўрнини кузнинг аччиқ ҳазон ёмғирларга бўшатиб беради.

НОБЕЛ МУКОФОТИ СОҶИБЛАРИ

Чоршанба кун америкалик олимлар Питер Эгр ҳамда Родрик Маккиннонлар нуфузли Нобел мукофотининг қимё йўналиши бўйича 2003 йил лауреатлари, дея эътироф этилди.



Мазкур мукофот уларга турфа хасталикларнинг табиатини ўрганиш, даволаш ҳамда олдини олишда муҳим ўрин эгалловчи кашфиёт қилганликлари учун берилди. "Кимёгарлар томонидан яратилган илмий тадқиқотлар тиббиётда буйракни даволаш, юрак, мушак ҳамда асаб тизими хасталикларини бартафат этиш учун яхши восита бўла олади", дея хабар қилади РИА "Новости".

РОССИЯГА ТАШРИФ

Чоршанба кун Германия канцлери ўтирган махсус рейс самолёти Екатеринбург аэропортига келиб қўнди, дея хабар қилади "Новости" ахборот агентлиги.

Канцлери аэропортда Россия президенти Владимир Путиннинг шаҳсан ўзи кутиб олди. Улар журналистларга берган интервьюларни чоғида "Катта сакизлик"қа кирувчи бу иккала давлат ўртасидаги бугунги сиёсий-иқтисодий алоқаларнинг аъло даражада эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишган. Шунингдек, Германия канцлерининг қайта-қайта уқтиришича, "Германия ҳукумати Россияни дўст деб билади ва дўстона муносабатни йўқотмасликка интилади". Владимир Путин йўналганларнинг саволларига жавоб қайтараркан, Европага интеграциялашуви жараёнида, энг аввало, иқтисодиётга эътибор қаратиш лозимлигини айтиб ўтди ва бу борада икки томонлама манфаатли ақдлликка эришишига умид билдирди.

УМА ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Ума Турман истеъфога чиқди. Бироқ, у на сиёсатчи, на бирон-бир раҳбар. Ума Турман машҳур Голливуд юлдузи, "Lapcom" француз косметик фирмасининг "юзини", яъни доимий реклама вакили ҳисобланарди.

Бироқ, актрисанинг ёши бир ҳойга бориб қолгани (у 33 ёшга тўлган) ҳамда латофатли чеҳрасида ўрта ёшлилик нуқси акс этиб тургани сабабли фирманинг "юзини" ва зифасини бажаришдан озод қилинди ёки бошқача қилиб айтганда, истеъфога чиқарилиди. Ума Турман мазкур йил унч ҳам "Lapcom" фирмаси билан 22 миллион АҚШ долларлик шартнома имзолаган экан. Энг қизиғи эса, у бундан бир неча йиллар муқаддам "қариб қолгани учун" истеъфога чиқарилган Изабелло Росселлинидан "тахт"ни қандай қабул қилиб олган бўлса, худди шу тарзда топшираётганигидир.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.

«ТЕРМИНАТОР» - ГУБЕРНАТОР

Бир неча ойдирки, АҚШ журналистлари назаридан машҳур киноактёр Арнолд Шварценеггер тушмай қолди. «Терминатор»нинг Калифорния штатида ҳоким бўлиш учун сайловда иштирок этиш истағи журналистлар учун яхшигина мавзу бўлиб келмоқда.

Ниҳоят галвирни сувдан кўтаридиган пайт келди. Сешанба кун Калифорния губернаторлиғига навбатдан ташқари сайлов бўлиб ўтди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Арнолд Шварценеггер рақиблирини ортда қолдириб, энг қўл овоз олишга муваффақ бўлган. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, овоз беришда сайловчилар анча (82 фоиз) фаоллик кўрсатган. 1982 йилги сайловдан бунён бундай юқори кўрсаткич қайд этилмаган эди. У энди Калифорния штатининг ҳокими - губернатори.

Саидмурод РАХИМОВ, ЎзА шарҳловчиси.

Тошкент вилояти Зангиота тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилган, ҳозирги пайтда Тошкент вилояти хўжалик суди ҳал қилув қарорига асосан банкорт деб эълон қилинган "Хуанцао-Дружба" Ўзбек-Қирғиз қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиғида давлат рўйхатида олинганлиги тўғрисида, 1996 йил 24 майда берилган N 000781 рақамли гувоҳнома, қўшма корхонанинг Устави ва Таъсис шартномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

SPORT OLAMIDA

ГОЛИБОНА ОДИМ

Сешанба кuni "Пахтакор" марказий стадионда 28-турнинг бир учрашуви бўлиб ўтди. Муддатидан ilgari ўтказилган ушбу бахсада Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси "Бухоро" жамоасини қабул қилди.

"НЬЮКАСЛ" СЕЛЕКЦИОНЕРИ УКРАИНАДА

Англиянинг донгдор жамоаларидан бири "Ньюкасл" Украина чемпионатида кизиқиб қолди.



Чунки жамоа раҳбариятининг фикрича, бу ерда талантли футболчилар кўп ва улар "Ньюкасл"га катта галабаларни олиб келиши мумкин.

КУРНИКОВАГА РАҚИБ

Бир неча йилдан бунён энг гузал теннисчи аёл сифатида ишқибозларни қизиқтириб келаятган Анна Курниковага рақиб топилди.



ИМКОНИЯТ КАТТА

Яна бир неча кундан сўнг Европа чемпионати саралаш мусобақаларининг сўнгги тури бўлиб ўтади.

ЎРНАК ОЛСА АРСИЙДИ

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳри Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси хайъатининг кўма мажлиси бўлиб ўтди.

Ушбу йилгидада спортимиз мутасаддиларидан ташқари Ўзбекистон Қўрама, халқимизнинг сеvimли шoirи Абдуллага Орипов ҳамда Қашқадарё вилоят ҳокими Нуриддин Зайниевлар ҳам иштирок этишди.

ТОШКЕНТЛИКЛАР - БИРИНЧИ

Аввал хабар берганимиздек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг спорт мажмуасида аёллар ўртасида кўл тўпи бўйича ўтказилган "Мустақиллик Кубоги" бахслари нихосига етди.

ДЎМБИРАНИНГ СИРЛИ ОҶАНГИ

(Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, ўроқбой аканинг халқ соzларига қизиқиши, иштиғи, меҳри бошқача. Аникрои, унинг ўз тарихи бор.



таралган кишини гоҳ худ, гоҳ беҳуд қилиб қўядиган ажиб оҳанглари қолди, - дейди у.

Ўроқбой аканинг гувоҳлик беришича, Жангабой полвон қайсидайдир тўйда кураш тушади. Тўй эгаси анча бадавлат, кўпни қўрган киши экан, бош совринга бир донга қумуш танга ташлайди.

Жангабой қўлида ўзгача тарабтаётган қумуш тангага сулваниб боқаркан: "дўмбирамга қулук ясаптир-ман бундан" дейди. Яна бир ёққур курашда қумуш тангага бўла-ди, бу орзу-

(Боши 1-бетда)

-Ассалому алайкум, - деди муҳбир йигит қўлиниг истикболига юриб. - Меҳмонман, бува.

-Ие, келинг болам, келинг, - деди Ҳожи бува. - Мен сизни анани ишқибозлардан бирини, давдим. Қўрмайсизми, буларга гап бўлса, ўйин бўлса...

"Бечоралар елиб-югуриб қовун ташияптилару шундан ҳам норози бу чол, - деб ўйлади муҳбир йигит. - Раиснинг, гайратли чол, деганича бор экан".

Салом-алиқдан сўнг Ҳожи бува бу йигитнинг оддий меҳмон эмаслигини, бир-икки оғиз гап билан иш битмаслигини билди.

-Меҳмон, бирпас сабр қиласиз-да энди. Ишни тугатиб, йигитларга жавоб бериб юборай, кейин отамлашаварамиз.

-Майли. -Бўлмаса сиз поллизда оралаб туринг, - Ҳожи бува қўлини қўксига қўйиб уэр сўраган бўлди. Негадир муҳбирнинг сурнай поча шиммига қараб жилмайиб қўйди. - Ҳай, томоша қилиб туринг-чи.

ЎКИНГ, ҚИЗИК ҲАММАСИ ҲН БИТТАДАН

Шотландиядаги бу кўл қисқагина ва оддийгина қилиб Ҳн бир деб номланган.

БИР ДАРАХТДА ИККИ ХИЛ МЕВА

Бразилиянинг шимоли-шарқидagi қурғоқчил ўрмонларда ажайиб дарахт ўсади.

Кўкон арава гупчагаидай чўзинчоқ қўзвойлар уфққа ёнбошлаб, ботаётган қўёш нуруларида пешоналари ярқарқ қилади...

Мухбир йигит, "чоли тушмагур буларни қандай парварий қилди экан", деб хайрон эди...

Кўёш ботиб, салқин тушди. Полизнинг тароватли, ханда-

лак, босволди бўйини уфурган файзли оқшоми бошланди. Мухбир йигит салқиндан эти жунжиди шекилли, қанал бўйидан аста пастга тушиб, чойла томонга юрди. Бу пайт поллизда шовқин-суртонини, Ҳожи бува қовун ташувчи йигитларга рўхсат бериб юборган, пайқалда фақат ур-турта чол билан шовфёр йигитларини қолган эди.

-Қалай, томоша қилдингизми, ўғлим? -Раҳмат. -Ҳа, салқиндангизми? - деди бува қўлиб. - Кечаси бундан ҳам салқин бўлади. Ҳўш, мана энди қулғомини сизда. Жадалмасасак, пахта терими ҳам бошланган, эрта-индин мошин танқис бўлиб қолади.

ЎКИНГ, ҚИЗИК ҲАММАСИ ҲН БИТТАДАН

Шотландиядаги бу кўл қисқагина ва оддийгина қилиб Ҳн бир деб номланган.

БИР ДАРАХТДА ИККИ ХИЛ МЕВА

Бразилиянинг шимоли-шарқидagi қурғоқчил ўрмонларда ажайиб дарахт ўсади.

ча жўн гаплашишга, гап тизгинини кўпроқ қўлиниг ўзига қўйиб беришга ҳаракат қилар эди. - Бирор гап чикиб қолса, кейин сўраман, ота. -Шундоқ денг. Ундоқ бўлса... - деди Ҳожи бува соқолини туталаб, - бугун поллизда қоласиз. Оқшом энди бошланади. Мана бу кийимларингиз бўлмайди,

Шу баҳона бўлиб, сўради: -Қачондан бери қовун экасиз, ота? -Пенсияга чиққангиздан бери. -Пенсияга қачон чиққангиз? -Учинчи йил. Ишлаб ўрганиб қолганмиз, ўғлим. Қараб ётолмадик. Ўғилларим, нева-ра-чевараларим билан мас-

ул бўлиб қолибди шекилли, қовун эканди ўзи келсин, дегди Ҳожи бува. Раис қўйрада-қўймай бир қанча одамлар минан мени ҳам оборди Тошканга. Мен сизга айтсам, қовунимизга берган шаходатномани ўз қўлим билан қўйлогимизга олиб келдим. Шу-шу ҳажга бориб келган Ҳожи бува аталдим-кетдим. У пайтларда биз учун Маккаи мукаррамаси ҳам Тошкан эди-да! Бошқа қаяқча ҳам бор-ардик биз шўрликлар... Аммо, бу йил ҳам қовунимиз чакки эмас. Тошканга икки мошин қовун саралаб жўнатдик. Бошқа чоллар ҳам Ҳожи бува бўлиб қолса ажаб эмас... - деди қўлиб Ҳожи бува.

Мухбир йигит мийғидега қўлиб, қитмирлик билан сўради: -Энди қачон ростақамига Ҳожи бува бўласиз, бува? -Бу нима деганингиз, ўғлим? - деди чол хайрон бўлиб. -Қачон ҳажга сафар қиласиз, деганимизда, бува. -Ҳа-а, шундоқ демайсизми, ўғлим? - деди Ҳожи бува муҳбирнинг саволини энди фахмлаб. - Мен ростақамига Ҳожи буваман, ўғлим. Утган йили сафар қилиб келганиман.

-Ие, шундоқ демайсизми, - деди муҳбир отага берган саволидан сал хижолат тортиб. - Қалай экан у ёқлар? -Нимасини айтмай? Тараф йўқ. Ҳаммаёқ арайлаб турибди. Муқаддас жойларди қўргангизми, у ерларда кезиб юрган илоҳий туйғуларни ич-ичимиздан туйганимизда нуқул қўларимизда гилтиллаб ёш айланади денг. Е парвардигор, дейман ичимда, илгарилари бу жойларга келиш қаяқча эди? Ахир, халқимизга ҳам келтирилмасди-да, ўғлим. Мустақиллик бўлмаганида қаяқча эди бу гаплар...

БОШҚОТИРМА

Word search grid with various words hidden in letters.

Ақром ХУЖАЕВ тайёрлади.

"БЕКОБОДУН" ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Бекободун" очик акциядорлик жамияти акциядорларининг 2003 йил 10 ноябр кўни соат 15.00 да навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИДА

- 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли қароридан қилиб чиқадиган асосий масалалар. 2. "Қузатув кенгаши тўғрисида"ги Низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш. 3. "Акциядорларнинг умумий мажлиси тўғрисида"ги Низомга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни тасдиқлаш. 4. "Ижро этувчи орган тўғрисида"ги Низомга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни тасдиқлаш. 5. "Ижро этувчи органи раҳбарини ёллаш тўғрисида"ги Меҳнат шартномасини тасдиқлаш. 6. Ижро этувчи органнинг янги таркибини тасдиқлаш. 7. Тафтиш комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш. Кузатув кенгаши.

"Замин" давлат-акциядорлик ипотека банки жамоаси банк бошқаруви раиси Одил Мавлоновга волидан мухтарамаси ИСТАТ АЯНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таззия изҳор этади.

Бош муҳаррир ўткир РАҲМАТ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Алитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Фахр ШЕРМУХАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнопарк комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона - 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43. Котибият - 136-56-30. Иқтисодий гуруҳлар - 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс - 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қоракалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-22-648-72; Намой - 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 389-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жавобгар Навбатчи: А.АЛИКУЛОВ